**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 418
14.08.2020 йил

## СЎЗ БОШИ

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни тадбиқ этиш маркази;
- Тошкент давлат педагогика университети.

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛИЁТГА ТАБИҚ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус,профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бошқарма фаолиятини Мувоқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаби 110000 – Педагогика соҳаси Давлат таълим стандарти,Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори,Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| | Кириш............................................................................................... | 4 |
| **1.** | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавириат таълим йўналишининг умумий таснифи ............................................................................................... | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ............................................................................................... | 4 |
| | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавириат таълим йўналиши. | |
| 1.1.1 | Малака талабининг қўлланилиши.............................................................................. | 4 |
| 1.1.2 | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари........................................ | |
| 1.2. | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавириат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари таснифи................................................... | 4 |
| *1.2.1* | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий .фаолиятининг соҳалари........................................... | 4 |
| 1.2.2 | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий .фаолиятининг объектлари........................................... | |
| 1.2.3 | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий .фаолиятининг турлари................................................ | 4 |
| 1.2.4 | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари........................................................ | 5 |
| 2. | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий компетенциясига қўйиладиган талаблар........................ | 5 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар............................................................................... | 6 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар............................................................................... | 7 |
| 2.3. | Касбий квалификациялар............................................................................... | 7 |
| 3. | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.................................................... | 7 |
| 3.1. | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар............................. | 7 |
| 3.2. | *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.................................................... | 8 |
| | Библиографик маълумотлар............................................................................... | 9 |

## 1. *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

*5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузи, сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит –модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *5110900 – Педагогика ва психология* таълим йўналиши бўйича бакалавриат тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди

**1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи таълим ташкилотларининг талабалари;

– бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

-таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

-олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. *5110900 – Педагогика ва психология* йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятлари таснифи**

**1.2.1. *5110900 – Педагогика ва психология* йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5110900 – Педагогика ва психология* бакалавириат** таълим йўналиши педагогика ва психология таълим ташкилотлари, академик лицейлар, техникумлар учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;

- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;

- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари,маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

*- таълим ташкилотларида психолог бўлиб фаолият юритиши, техникмларда касбий фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;*

*- таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*

*- касб - ҳунар таълим муассасаларида психология ўқитувчиси мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;*

*- педагогика ва психология таълим фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;*

*- архивларда, ахборот-ресурс марказларида, нашриётларда, оммавий-ахборот муассасаларида, қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;*

*- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;*

*- ишлаб чиқариш соҳасида мусиқий касбий таълим педагогикаси, ўқитишнинг дидактик воситалари, таълимнинг электрон воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.*

*- фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***1.2.3.– 5110900 – Педагогика ва психология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларининг турлари:**

**1.2.3 *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *педагогик;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *маънавий-маърифий;*
- *ташкилий-бошқарув;*

***1.2.4. 5110900 – Педагогика ва психология* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:**

***5110900 – Педагогика ва психология* йўналиши бўйича** Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятлари, соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**Педагогик фаолиятида:**

- педагогика ва психология ва методика фанларини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

-ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

-электрон ўқитиш воситаларидан самарали фойдаланиш;

-замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

-ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

-ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

-мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

-таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

-яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

-таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

-таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

-талабаларнинг креатив салоҳиятни таълим тизимни ахборотлантириш жараёнида шакллантириш вамривожлантириш;

-таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шаклантириш ва ривожлантириш;

-таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

-илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;

-замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялари, илғор тажрибалардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

-илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

-интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

-таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

-илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

-маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

-тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

-маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

-ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

-глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

-маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

-миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

-педагогика ва психология таълимига оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш;

-педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

-жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

-фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

-бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

## 2. 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**2.1.Умумий компетенциялар**:

-давлат сиёсатининг долзарб муаммоларини билиш,ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустаьил таҳлил қила олиш;

-хорижий тилларни бирида касбий фаолиятга оид ҳужжатларни моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

-ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

-янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

-соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввурга эга бўлиш.

**2.2. Касбий компетенциялар**:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- корпоратив ахборот тизимларини, таълимнинг статистик, молиявий-иқтисодий таҳлили ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- педагогика ва психология назарий билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган мусиқий жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- Педагогика ва психология таълимнинг бакалавриат йўналиши бўйича

рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши.

**2.3. Касбий квалификациялар:**

Таълим муассасасида педагог-психолог фаолияти, педагогика ва психология ва методика фанларини ўқитиш, ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш, ўқув материалларини моделлаштириш, талабаларнинг креатив салоҳиятни ривожлантириш, таълим менежменти, таълим муассасаларида педагог-психолог, педагогик-психологик диагностика, педагогик-психологик коррекция, психологик маслаҳат, педагогик-психологик профилактика, педагогик-психологик тарғибот, касбга йўналтириш, гуруҳ раҳбари фаолияти амалга ошириш квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

## 3. 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

### *3.1. 5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака омпетенциялари эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида, ўқитиш вақти, аттестациялар, амалиётлар,таътиллар, семестлар бўйича ўтиладиган”Умумкасбий фанлар”, ”Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларига киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош

Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### *3.2.* 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати 4 йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 152 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| Ўқув даврлари | Кундузги таълим шакли учун* | Сиртқи таълим шакли учун* |
|---|---|---|
| Назарий ва амалий таълим* | 40-60% | 40-60% |
| Шу жумладан мустақил таълим | - | 25-45% |
| Аттестация | 6-8% | 6-8% |
| Таътил | 10-30% | 10-30% |
| Малакавий амалиёт | 15-30% | 15-30% |
| Битирув малакавий иши | 2-3% | 2-10 % |

**Библиографик маълумотлар**

УДК: 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

Касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режаси ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, ўқув режа, модуль, амалиёт, амалиёт объекти, аттестация, таътил, малакавий амалиёт, битирув малакавий иши.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор** ________________ **А.Умаров**

2020 йил «12» 08 ____________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**
**Республика таълим маркази**

**Директор** ________________ **Ш.Саттаров**

2020 йил « 14 » 08 ____________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

**Директор** ________________ **З.Хакимов**

2020 йил «14» 08 ____________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти**
**Бош бошқармаси бошлиғи**

**Бошлик** ________________ **С.Ниязбеков**

2020 йил «14» 08 ____________

М.Ў.

***“5110900–Педагогика ва психология”***
**бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари мазмуни бўйича ишчи гуруҳининг келишув варақаси**

| № | Ишчи гурух раиси ва аъзолари | Аъзоларнинг Ф.И.Ш | Лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Раис | Н.Х.Рахмонкулова | Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори | |
| 2 | Аъзо | Г.Н.Ибрагимова | Низомий номидаги ТДПУ “Педагогика ва психология” факультети декани | |
| 3 | Аъзо | Н.И.Халилова | Низомий номидагиТДПУ “Психология” кафедраси мудири | |
| 4 | Аъзо | М.Э.Ахмедова | Низомий номидаги ТДПУ “Педагогика” кафедраси мудири | |
| 5 | Аъзо | Х.А.Тиллашайхова | Низомий номидаги ТДПУ “Умумий психология” кафедраси мудири | |
| 6 | Аъзо | А.Мухсиева | Низомий номидаги ТДПУ “Педагогика” кафедраси доценти | |

**Ректор** **А.Ю.Умаров**

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Х.Рахмонкулова**

**Ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиғи** **А.А.Хўжаев**

**Факультет декани** **Г.Н.Ибрагимова**

“5110900 – Педагогика ва психология”

**бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**

**Ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/Р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1 | А.Ю.Умаров | Раис, ректор | |
| | | Аъзолари: | |
| 1 | Н.И.Халилова | Низомий номидагиТДПУ “Психология” кафедраси мудири | |
| 2 | А.А.Хўжаев | Ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиғи, PhD. | |
| 3 | М.Э.Ахмедова | Низомий номидаги ТДПУ “Педагогика” кафедраси мудири | |
| 4 | Н.А.Ғайибова | ТДПУ, Психология кафедраси доцент в/б | |

**Ректор________________________ А.Ю.Умаров**

**М.Ў.**

**Ўқув ишлари бўйича проректор____________________ Н.Х.Рахмонқулова**

**Декан___________________________ Г.Н.Ибрагимова**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгаши *Педагогика* таълим соҳаси бўйича**
**ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг 9 -сонли**

# БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Тошкент ш. "6" 08 2020 й.

Қатнашдилар: **Бирлашма раиси – А.Ю.Умаров**
**Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев**
**Аъзолари:** - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари, таклиф этилганлар 14 нафар.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси А.Ю.Умаров:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жарёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилганлиги, шу жумладан 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Сўзга чиқдилар:** *Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти, Нукус* давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ўқув ишлари бўйича проректорлари, Табиий фанлар таълим шуъбаси раиси К.Сапаров, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим шуъбаси раиси Р.Халилов, Мактабгача таълим шуъбаси раиси М.Мирсолиевалар сўзга чиқиб, *110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура*

*мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

**Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректори Н.Рахманкулова:**

маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жарёни ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларида таълим соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий ислоҳатлар тўлалигича ўз аксини топди, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин, - деб фикр билдирди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳалари республикадаги асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашга тақдим этишга тайёр ҳолатга келтирилган.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, ўқитишнинг кредит-модуль тизими бўйича янгидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.
2. 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари манфаатдор вазирликларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (110000-Педагогика таълим соҳасига кадрлар истеъмолчилари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги) томонидан қўйиладиган умумий малака талаблари, "Келишув баённомалари", "Келишув далолатномалари" билан расмийлаштирилган ва малака талабларига илова қилинади).
3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинсин.
4. 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш учун Олий, ўрта махсус ва профессионал таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**Бирлашма раиси** **А.Ю.Умаров**

**Масъул котиб** **А.А.Хўжаев**

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан**

# КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. “6” 08 2020 й.

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Андижон давлат университети, Бухоро давлат университети, Гулистон давлат университети, Қоракалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Самарқанд давлат университети, Термиз давлат университети, Урганч давлат университети, Фарғона давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қуқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институти ректорлари, ТДПУ Термиз ва Шаҳрисабз филиаллари директорлари, университетнинг таянч кафедралари мудирлари ва таклиф этилганлар.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури”да, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида”ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси.

**Сўзга чиқди:** Н.Рахманкулова – маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга, жорий ўқув йили 1-курсларида таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, 2020-2021 ўқув йилида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича янгидан киритилган, шунингдек амалдаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими томонидан турдош олий таълим муассасалари ҳамда университет кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив

ҳужжатлар ҳамда ўқитишнинг кредит-модуль тизими асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари лойиҳалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди:

А.Умаров - Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси;
Н.Рахманкулова - Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари;
А.Акмалов - Математика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири;
Н.Халилова - Психология кафедраси мудири;
С.Турсунов - Информатика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири;
Г.Джанпеисова - Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири;
Н.Алимкулов - География ўқитиш медикаси кафедраси мудири;
Н.Абидова - Логопедия кафедраси мудири;
О.Искандаров - Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири;
М.Хамедова - Олигофренопедагогика кафедраси мудири;
Ў.Хўжаназов - Ботаника кафедраси мудири;
Д.Давлетов - Умумий математика кафедраси доценти;
Н.Толипов - Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси катта ўқитувчиси;
О.Рахматуллаева - Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири ва бошқ.

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гурухлар томонидан тайёрланган **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури”да, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида”ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Мактабгача таълим вазирликлари экспертизасидан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини тайёрлашда турдош ОТМларининг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин.

3. **110000-Педагогика таълим соҳаси** Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлатиш (келишув) учун Вазирлик ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** **А.Ю.Умаров**

**Котиб** **А.А.Хўжаев**

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланилганлиги ҳақида**

## МАЪЛУМОТНОМА

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Корея, Белоруссия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган педагогика таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда ўқитишнинг кредит-модуль тизимига асосланган педагогик кадрлар тайёрлашда назарий ва мустақил таълим билан бирга малака амалиётига алоҳида эътибор берилиши таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури"да, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги "Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги "Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Админстрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида"ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар асосида бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётларини ўтказишда ўқиш муддати 4-йил бўлган таълим йўналишларида 24 ҳафта, 3-йил бўлган таълим йўналишларида 14 ҳафта қилиб белгиланди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари асосида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадкиқот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, малака талабларида илмий-тадқиқот фаолияти ҳам назарда тутилган. Илғор хорижий мамлакатлардаги педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар сонини ва номланишини ҳисобга олиб, ўқув режасида фан блоклари таркиби янгиланди, мутахассисликка оид бўлмаган фанлар 2 баробар қисқартирилди, шунингдек, 1-курсдан мутахассислик фанларини ўқитилиши инобатга олинди.

Хорижий мамлакатларда олий педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида талабаларнинг келгуси фаолияти ҳисобга олиниб танлов бўйича фан ўрганиш имконияти берилади, яъни таълимни демократлаштириш назарда тутилишини эътиборга олиб, ишлаб чиқилган **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларидаги танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ўқув режаларига нисбатан оширилди.

Педагогика таълим соҳаси бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида магистратура талабалари малака талабларида мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасаларида стажировка ўтказиш инобатга олинди.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Рахмонкулова**

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқилишига**

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури”да, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, 2019 йил 16 январдаги “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 27 февралдаги «Педагогика таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли, 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарорларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгилаб берилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни жорий этиш тўғрисида”ги 820-сонли, 2018 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 19-2018-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосланилди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда таълим соҳасининг битирувчиларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган малака талаблари ҳисобга олинди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака талаблари бўйича “Гуманитар ва табиий-илмий фанлар” блоки 15-20%, умумкасбий фанлар блоки 30-50%, ихтисослик фанлар блоки 20-35% ни, қўшимча фанлар блоки 4-6% ни ташкил этди. Шунингдек, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари бўйича “Умумметодологик фанлар” блоки 15-20%, “Мутахассислик фанлари” блоки 45-55% ни ташкил этди. Танлов фанлари блоки 20-35% ни ташкил этди.

Ушбу малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларига мос, таълим-тарбияга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга оширишга йўналтирилди.

Малака талабларини ишлаб чиқишда мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаблари асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий компетентлик шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаблари халқаро тажриба, техника, технология, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари, иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиёт қўядиган талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилди.

Малака талаблари шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда узвийлик ва изчилликнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилиши таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятларини яратди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига тажрибада синовдан ўтган таълим ва ишлаб чиқаришнинг илғор меъёрлари киритилди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви шароитида кадрлар истеъмолчилари талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратилди.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор** **Н.Рахмонкулова**

## “5110900-Педагогика ва психология” бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш

### Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриат) | Россия (бакалавриат) | Англия (бакалавриат) | АҚШ (бакалавриат) |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Бошланиши** | Академик лицей ва касб ҳунар коллежларини, умумтаълим мактабларини тугатгандан сўнг | Ўрта (тўлиқ) ва умумий маълумот, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тугатгандан сўнг | Гимназия, лицей ва коллежни тугатгандан сўнг | Гимназия, лицей ва коллежни тугатгандан сўнг |
| | **Давомийлиги** | 4 йил | 4 йил | асосан 3 йил, 5 йилгача ҳам давом этиши мумкин | 4йил |
| | **Таълим олувчилар сони** | 50-100 | 18-20 | 12-15 нафар | 15-20 |
| | **Ўтиш жойлари** | Педагогика университетлари ва институтлари. | Педагогика университетлари ва институтлари. | Университетлар, “Педагогика ва психология” мутахассислиги бўйича факультетлар. | Университетлар, “Педагогика ва психология” мутахассис лиги бўйича факультетлар. |
| | **Таълим берувчилар** | Педагогика университетидаги “Психология ва педагогика” мутахассислиги бўйича фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар, катта ўқитувчилар. | Мутахассислик бўйича дарс берадиган профессор-ўқитувчиларнинг 90 фоиздан кўпроғи фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига, шундан 50 фоизи профессор илмий унвонига эга. 20 фоиз фан номзоди, доцентлар ҳамда 10 йилдан кам бўлмаган | Университетдаги “Педагогика ва психология” мутахассислиги бўйича фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар | Университетдаги “Педагогика ва психология” мутахассислиги бўйича фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига эга бўлган |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | амалий иш стажига эга бўлиши лозим. | | профессор-ўқитувчилар |
| | **Касбий фаолият турлари** | “Педагогика ва психология” мутахассислиги бўйича бакалаврлар касбий фаолият турлари:<br>-педагог-психолог;<br>-ўқитувчилик;<br>-тарбиячилик;<br>-ўқув-методик;<br>-илмий-тадқиқот. | Россия Федерация сининг “Педагогика ва психология” мутахассислиги бўйича битирувчиси қуйидаги соҳаларда фаолият олиб бориш учун тайёрланади:<br>-коррекцион-ривожлантирувчи;<br>-ўқитувчилик;<br>-илмий-тадқиқотчилик;<br>-ижтимоий-педагогик – тарбиячилик;<br>-маданий-маърифий;<br>-бошқарувчанлик. | “Педагогика ва психология” мутахассислиги бўйича бакалавр касбий фаолият турлари: илмий тадқиқотчилик, эксперт-психодиагностик, амалий ва психологик маслаҳат, инновацион-лойиҳа, педагогик ва ташкилотчилик, бошқарув- ташкилий. Икки асосий титуллар Бачелор оф Артс (Б.А.)ва Бачелор оф Ссиенсе (Б.С.) | “Педагогика ва психология” мутахассислиги бўйича бакалавриат касбий фаолият турлари: илмий тадқиқотчилик, эксперт-психодиагностик, амалий ва психологик маслаҳат, инновацион-лойиҳа, педагогик ва ташкилотчилик, бошқарув-ташкилий. Икки асосий титуллар Бачелор оф Артс (Б.А.) ва Бачелор оф Ссиенсе (МСс). |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш** | , Қуйидаги тартибда амалга оширилади: ички назорат якуний давлат назорати, давлат-жамоат назорат, ташқи назорат | “Педагогика ва психология” мутахассислиги бўйича бакалаврлар касбий тайёргарлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги тартибда давлат имтиҳонлари топширадилар: компьютерлаштирилган тест синовлари; мутахассислик бўйича ёзма иш; касбий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳаларни ҳимоясини ташкил қилиш. | “Педагогика ва психология” мутахассислиги бакалавриати касбий компетенцияни аниқлаш учун қуйидаги тартибда давлат имтихонлари топширадилар: мутахассислик бўйича ёзма иш ёки тест; психологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳаларни ҳимоясини ташкил қилиш, турли кейс ишлари | “Педагогика ва психология” мутахассислиги бакалавриатлари касбий компетенцияни аниқлаш учун қуйидаги тартибда давлат имтиҳонлари топширадилар: мутахассислик бўйича ёзма иш ёки тест; психологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳаларни ҳимоясини ташкил қилиш |

**Бакалавриатда таълим жараёнининг таркиби**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Россия | Англия | АҚШ |
|---|---|---|---|---|---|
| | Назарий таълим | Асосий қисми аудиторияда маъруза курслари кўринишида ўтказилади. | Асосий қисми факультетида маъруза курслари кўринишида ўтказилади. | асосий қисми аудиторияда маъруза курслари кўринишида ўтказилади | 1. асосий қисми аудиторияда маъруза курслари кўринишида ўтказилади |
| | Амалий таълим | Ўқув дастурида кўрсатилган | Ўқув дастурида кўрсатилган | ўқув дастурида | ўқув дастурида |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | семинар, лабаратория, амалий машғулотлари кўринишида амалга оширилади. | семинар машғулотлари кўринишида амалга оширилади | кўрсатилган семинар машғулотлари кўринишида амалга оширилади, мутахассисликка қараб амалиёт жойи аниқланади | кўрсатилган семинар машғулотлари кўринишида амалга оширилади, танланган мутахассисликка қараб амалиёт жойи белгиланади |
| | Илмий –тадқиқот ишлари | Бакалавриатда таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан олий таълим муассасаси шароитида амалга оширади. Кафедра прфессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. БМИ га илмий даражага эга мутахассис раҳбарлик қилиши мумкин.<br>Илмий изланиш натижалари илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва ҳалқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш орқали апробациядан ўтади. | Бакалавриатда таълим олувчилар соҳасидаги илмий, амалий, тугалланган, мустақил тадқиқот ва долзарблиги, илмий янгилик, назарий ва амалий аҳамиятга эгалиги каби талабларга жавоб бермайди. Кафедра профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. БМИ диссертацияси раҳбарлари мунтазам илмий иш билан шуғулланиши керак. | бакалавриат диссертацияси педагогика ва психология соҳасидаги долзарб бўлган ва таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича асосан олий таълим муассасаси шароитида маълум вақт доирасида амалга оширади. Кафедра профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади | бакалавриат диссертатсияси педагогика ва психология соҳасидаги долзарб бўлган ва таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича асосан олий таълим муассасаси шароитида маълум вақтнинг ичида амалга оширади. Кафедра профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади |
| | Мустақил таълим | Бакалаврлар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий | Аудиториядан ташқари таълим вақти, топшириқлари кўрсатилган методик | аудиториядан ташқари таълим вақти, топшириқлари кўрсатилган методик | аудиториядан ташқари таълим вақти, топшириқлари кўрсатилган методик |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | базада яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғи, УУМ ) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | қўлланма билан таъминланиши керак. Таълим дастурлари тарқатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. | қўлланма билан таъминланиши керак. Таълим дастурлари тарқатма материаллар, кутубхона, интернет тармоқидан фойдаланган· ҳолда амалга оширади | қўлланма билан таъминланиши керак. Таълим дастурлари тарқатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга оширади |
| | Таълим жараёнида баҳолаш | Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникмалари бўйича билимларини баҳолаш олий таълим тизимининг “Рейтинг тизими” асосида жорий, оралиқ якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари ёзма кўринишида амалга оширилади. | Битирувчиларнинг жорий, оралиқ, якуний ўзлаштириш кўрсаткичи. Бакалаврнинг билимини баҳолаш учун топшириқлар, лойиҳалар, муаммоли касбий кейс, тестлар, курс ишлари, малака ишлари. | битирувчиларнинг ҳар семестр якунида бериладиган баҳо кўринишидаги кўрсаткич. Бакалавриатни баҳолаш учун топшириқлар, лойиҳалар, муаммоли кейс, тестлар, курс ва малака ишлари берилиши мумкин | битирувчиларнинг ҳар семестр якунида бериладиган баҳо кўринишидаги кўрсаткич. Бакалавриатни баҳолаш учун топшириқлар, лойиҳалар, муаммоли кейс, тестлар, курс ва малака ишлари |
| | Илмий педагогик ишлари | умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўтказилади ва унда талабалар олий таълим муассасаларида таълим дастури бўйича олган | Амалиётнинг қуйидаги турлари ўтказилади: кўрсатмали-методик лагер, ёзги педагогик амалиёт, мактабда амалиёт, касб-ҳунар билим юртларида педагогик амалиёт, умумлашган педагогик-психологик амалиётларни | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | назарий билимларини илк бор ҳаётга татбиқ этиш малакаларини ҳосил қилади. Унинг мазмуни махсус Низом билан белгиланади. | ўтайдилар | | |
| | Якуний давлат аттестацияси | давлат таълим стандартларига мувофиқ фанлар бўйича Давлат аттестациялари ва битирув малакавий иши ҳимоясини ўз ичига олади; | “Педагогика ва психология” мутахассислиги бакалаврлари касбий компетенцияни аниқлаш учун қуйидаги тартибда давлат имтиҳонлари топширадилар: якуний давлат аттестацияси, аттестация ва ҳимояга тайёргарлик, битирув малакавий иши ҳимояси ташкил қилади. | | |

**Таълим жараёнининг мазмуни ва давомийлиги**

| № | Ўзбекистон Республикаси | Муддати | Россия Федерацияси | Муддати | Англия | Муддати | АҚШ | Муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1.Педагогика назарияси ва тарихи<br>2.Психология назарияси ва тарихи<br>3.Ижтимоий педагогика | 4 йил | 1.Педагогик психологик фаолиятга кириш<br>2.Умумий психология асослари<br>3.Умумий педагогика | 2 йил | 1.Замонавий психологияни нг методологияси<br>2.Психологияд а тадқиқотни | 3-5 | 1.Замонавий психологиянинг методологияси<br>2.Психологияда тадқиқотни режалаштириш | 4 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 4. Оила педагогика<br>5.Педагогик конфликтология<br>6.Қиёсий педагогика<br>7. Тарбиявий ишлар методикаси<br>8.Ижтимоий психология<br>9. Оила психология<br>10.Психологик тренинг асослари<br>11.Ривожланиш психологияси ва педагогик психология<br>12.Педагогик технология<br>13.Педагогик маҳорат<br>14.Педагогика ва психология фанларини ўқитиш методикаси<br>15. Психодиагнос-тика ва экспериментал психология<br>16.Психологик хизмат асослари<br>17. Хулқи оғишган болалар | | асослари<br>4.Психологик педагогик тадқиқотлар методологияси ва методлари<br>5.Психологик педагогик антропология<br>6.Таълим тизимини бошқариш<br>7.Педагогик фикрлар ва таълим тарихи<br>8.Касбга йўналтириш асослари<br>9.Психологик-педагогик практикум<br>10.Возрастная психология<br>11.Педагогик психология<br>12.Ижтимоий психология<br>13.Клиник психология<br>14.Махсус педагогика ва махсус психология<br>15.Меҳнат психологияси<br>16.Психологиянинг математик асослари<br>17.Психология тарихи | | режалаштириш<br>3.Олий касбий ва қўшимча таълим тизимида психологияни ўқитиш<br>4.Супервизиянинг илмий-методик асослари<br>5.Шахс ва ижтимоий психология<br>6.Бошқарув ва маркетинг психологияси<br>7.Дин психологияси<br>8.Криминал психология<br>9.Саноат-ташкилий психологияси<br>10.Спорт психологияси | | 3.Олий касбий ва қўшимча таълим тизимида психологияни ўқитиш<br>4.Супервизиянинг илмий-методик асослари<br>5.Биопсихология<br>6.Клиник психология<br>7.Зоопсихология<br>8.Қиёсий психология<br>9.Саломатлик психологияси<br>10.Ривожлантириш психологияси | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | психологияси | | 18.Психодиагностика<br>19. Психологик маслаҳат<br>20.Психологик-педагогик коррекция<br>21.Психотерапия<br>22.Оилавий маслаҳат ва оила психологияси асослари<br>23.Таълимнинг фаол ижтимоий-психологик методлари<br>24.Таълим психологик хизмат<br>25.Конфликтология<br>26.Ижтимоий педагогика<br>27.Тарбия назарияси ва методикаси<br>28.Таълим назарияси | | | | | |

**Изоҳ:** "Педагогика ва психология" бакалавр таълим йўналиши юзасидан, бирламчи манбаларга суянган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларни билиш, ҳозирги кунда ўқитишнинг долзарб йўналишларини амалиётга татбиқ этишни, доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилади. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, давлатимизда яратилаётган "Педагогика ва психология" таълим йўналиши малака талаблари жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

**Низомий номидаги ТДПУ *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналишининг кредит-модулли малака талабларига**

# ТАҚРИЗ

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичи амалга оширилаётганлиги тайёрланаётган кадрлар сифатини янада ошириш, замон талабларига мос бўлган малакали мутахассисларни етиштириш вазифасини қўймоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти эса фақат китобий билимларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки уларга таянган ҳолда мустақил фикрлайдиган ишлаб чиқариш ва ҳаётий масалаларга ижодий ёндашиб уларнинг янги вариантдаги ечимларини топиш ҳамда энг самаралигини танлаш қобилиятига эга бўлган кадрларни тайёрлашни талаб қилмоқда.

Малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим жиҳатларидан бири бу жаҳон стандарти ва талаблари даражасида ўқув меъёрий ҳужжатларни яратиш ва амалиётда кенг доирада қўллащдан иборат. Шу нуқтаи назардан йўналишлар тизимида тайёрланаётган малака талаблар ҳам шундай мақсадларни ўзида мужассам этади.

Маълумки, 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши учун ишлаб чиқилган малака талаблари ўзида ҳозирги кун фан-техника ютуқларини, жаҳон таълими тизимидаги янгиликларни, жамиятни кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган. Малака талаблари йўналиш кесимда бакалавриат таълими талабаси қандай билим, кўникма, малакага эга бўлиши, мутахассислик, касбий фаолиятида эгаллаши лозим бўлган билимлар тизими батафсил баён қилинган. Шунингдек, малака талаб олий таълим муассасаси томонидан тайёрланаётган бўлажак мутахассисни ўқув меъёрий ҳужжатидир.

5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари 3 та бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи деб номланиб, унда асосан малака талабларни қўлланилиш соҳаси ва касбий фаолиятларининг таснифи батафсил баён қилинган. Иккинчи бўлим бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талабларни ўзида мужассамлаштиради. Учинчи бўлим ўқув режа, фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талабларга бағишланиб, ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ва ўқув режасидаги юклама ҳажми очиб берилган.

Келтирилган фикрларга асосланиб, 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари юқори савияда тайёрланган ва таълим муассасалари амалиётига қўллаш мумкин.

**Тақризчи:** **пед.ф.док. Б.Х.Ходжаев**

Б.Х.Ходжаев ning imzosini tasdiqlayman Nizomiy nomli TDPU ilmiy Kengashining kotibi 21.09.2020

**Низомий номидаги ТДПУ *5110900 – Педагогика ва психология* бакалавриат таълим йўналишининг кредит-модулли малака талабларига**

# ТАҚРИЗ

Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги қадамлариданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тизимини такомиллаштириш унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда. Айниқса, ўсиб келаётган авлодларга таълим-тарбия беришдек, масъулиятли вазифаларни амалга оширишда таълим муассасаларида фаолият юритаётган жонкуяр педагогларимизнинг роли муҳимдир. Шу нуқтаи назардан олганда, замон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш нафақат моддий базасини кучайтириш балки, ўқув-меъёрий ҳужжатларига ҳам асосий эътибор бериш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан бири дейиш мумкин. Мазкур масалаларни ўзида мужассам этишга қаратилган ҳужжатлардан бири бу бакалавриат таълим йўналишларини тайёрлашга нисбатан ишлаб чиқилган малака талаблари ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши учун ишлаб чиқилган малака талаблари жаҳон таълим стандартларини ўрганилган ҳолда ҳамда жамият ҳаётидаги ўзгаришларни, замонавий фан ва техниканинг ютуқлари, кашфиётлари акс эттирилган. Бу эса ўз навбатида тайёрланаётган мутахассис шахсини жаҳон андозалари даражасида тайёрлашга замин яратади.

Шу мақсадларни ўзида мужассам этган 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари 3 та бўлим ва 6 та пунктдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим ва унинг таркибий қисмлари бир-бирини тўлдирувчи аҳамиятга эга. Жумладан, биринчи бўлими бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи деб номланиб, унда асосан малака талабларни қўлланилиш соҳаси ва касбий фаолиятларининг таснифи батафсил баён қилинган. Иккинчи бўлим бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талабларни ўзида мужассамлаштиради. Учинчи бўлим ўқув режа, фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талабларга бағишланиб, ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ва ўқув режасидаги юклама ҳажми очиб берилган.

5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши учун ишлаб чиқилган малака талаблари ҳозирги кун мутахассислари қуйиладиган талаблар тизимини ўзида мужассам этган.

**Тақризчи:** **психол.ф.док. А.И.Расулов**

**5110900-Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишининг фанлар кесимида касбий компетенцияларни**

**ЖАДВАЛИ**

| Фаннинг малакавий коди | Фаннинг номи | Фан ёрдамида эгалланадиган зарурий касбий компетенциялар | Курслар кесимида фаннинг ўқув жараёнидаги ўрни | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | I | II | III | IV |
| | | **Умумкасбий фанлар** | | | | |
| PsixNTM10010 | Психология назарияси ва тарихи | Амалиётчи психологнинг касбий фаолияти ва унинг талаблари, психологик тарихи ва унинг шаклланиш жараёни, психология фанининг долзарб масалалари, индивид, шахс, индивидуаллик ва шахс психик тараққиётининг муаммолари билан таништириш, касбий фаолиятга доир масалаларини онгли равишда тадқиқ этиш, психологияга доир масалаларнинг ечимини топишда психологиянинг имкониятлари моҳиятини тушунтириш ва уларни қўллай олишга ўргатишдир. | * | | | |
| RivPPM10010 | Ривожланиш психологияси ва педагогик психология | Ривожланиш психологиянинг асосий долзарб муаммолари, турли ёш даврларида инсон шахсини камолга етиши, давр хусусиятлари билан боғлиқ психологик, физиологик ўзгаришлар, мулоқот малакалари, етакчи фаолият, инқирозли вазиятлар юзасида илмий – амалий билимларни шакллантириш | | * | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| PsixDKM1008 | Психодиагностика ва экспериментал психология | Амалий психологиянинг соҳаларидан бири бўлмиш психодиагностика ва экспериментал психология фани бўйича чуқур мукаммал билимларга эга бўлишлари шунингдек, шахс, интеллект, шахслараро муносабатлар, билиш жараёнлари диагностикаси ҳамда проектив методикалар ҳамда экспериментал психологик тадқиқотларни ўтказиш, эксперимент натижаларини таҳлил қилиш бўйича билимларни шакллантириш | | * | | |
| IjPsixM10012 | Ижтимоий психология | Замонавий ижтимоий психологиянинг тадқиқот методларини педагогик ва психологик иш фаолиятида кодлай билиш, ижтимоий психология шуғулланадиган фундаментал масалалар - мулоқот, гуруҳлар психологияси, шахснинг ижтимоий психологик сифатлари, унинг жамиятда ижтимоийлашуви жараёни, шахснинг ижтимоий установкалари, шахслараро муносабатларда намоён бўладиган ҳолатлар, бошқарув психологияси асослари ва лидерлик муаммолари, конфликтологиянинг долзарб муаммолари, конфликтлар борасидаги назарий ёндашувлар, низоли ҳолатлар, низоларни олдини олиш ва бартараф этишнинг психологик имкониятлари. | | * | | |
| OilPsM2008 | Оила психологияси | Оила ва никоҳ тушунчаси; никоҳга етуклик жиҳатлари; оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммоси; замонавий оиланинг ўзига хослиги; оилавий | | | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | муносабатлар психологияси; ёш оилаларнинг ижтимоий ва психологик муаммолари; эр хотин муносабатлари ривожланиш динамикаси; оилавий низолар ва уларнинг турлари; оилавий муносабатларнинг бузилиши: никоҳ ажримлари; ота-она – бола муносабатлари психологияси, оилавий муносабатларни ўрганишга оид методикалар, оилавий низоларни таҳлил қилиш; оилага ёрдам кўрсатишга қаратилган психологик тавсияларни ишлаб чиқиш; оилавий низоларни ҳал қилишнинг асосий вариантларини; ота-оналик установкалари ва тарбия шаклларини; ёш оилада юз берадиган психологик ўзгаришларни тадқиқ қилиш | | | | |
| PedNTM10010 | Педагогика назарияси тарихи | Илмий-назарий асослари, педагогика назарияси тушунчаси, унинг категория ва тамойиллари, ўқув жараёнини ташкил этишнинг метод ва шаклларига қўйилган замонавий талаблар, таълим олувчилар шахси омиллари, унинг шакллантириш | * | | | |
| IjPedM10010 | Ижтимоий педагогика | Илмий фактлар, ижтимоий – педагогик концепциялар, ғояларни ўзлаштириши келажакда уларга нафақат ҳаётда мавжуд муаммоларни изоҳлаш, тушунтириш, балки уларнинг кейинги ривожини тахмин қилиш, ижтимоий - педагогик фаолиятнинг ўзига хосликлари ва унинг гуманистик йўналганлигини ёритиб бериши, турли | | * | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тоифадаги болалар билан ижтимоий - педагогик фаолият олиб боришнинг асосий метод ва шаклларини билиши ва улардан фойдалана олиши; талабаларда ижтимоий – педагогик жараёнларини таҳлил қилиш усулларини қўллаш ижтимоий методик саводхонликни ҳамда педагогик-психологик тайёргарликни шакллантириш | | | | |
| OilPedM20010 | Оила педагогикаси | Оилавий ҳаёт ҳақида билим бериш ва оилада болаларни тарбиялаш мазмуни, фаннинг ривожланиш тарихи, оила педагогикасининг ижтимоий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий асослари, оиланинг вазифалари, турлари, замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятлари, оила тарбиясининг мазмуни, метод, шакл ва воситалари, оилада болалар билан мулоқотнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари, таълим муассасаси, ўқитувчилар, синф (гуруҳ) раҳбарининг оила билан олиб борадиган ишлари шакл, метод ва воситаларини ўргатиш | | | * | |
| TarIMM2004 | Тарбиявий ишлар методикаси | Тарбиявий ишларни ташкил этишнинг назарий асослари ҳақида билим бериш; тарбиявий коррекцион фаолият методикасини, жамоада шахсни шакллантиришнинг босқичларини, гуруҳ раҳбари фаолиятини ташкил этиш, гуруҳ раҳбарларида тарбиявий тадбирларни ташкил этишнинг сифат самарадорлигини ошириш | | | | * |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| PedMahM1008 | Педагогик маҳорат | Педагогик маҳорат, педагогик техника ва маданияти назарияси ҳамда амалиёти боъйича билимли, етук малакага эга боълишларини таъминлашдир. Чунки, ҳозирги замон оъқитувчиси ҳаётимизда юз бераётган туб оъзгаришларнинг асосий иштирокчиларидан бири боълиб, у ҳар томонлама етук, чуқур билимга эга боълган мутахассис, Ватани ва халқига содиқ, педагогик маҳорат ва лаёқатга эга боълган, жамиятдаги ҳамда касб вазифаларини яхши билган шахс этиб тарбиялаш | | | * | |
| PsFizM10010 | Психофизиология | Асаб тизимининг тузилиши ва вазифалари, ақлий фаолиятнинг нейрофизиологик механизмлари, психогенез муаммолари ҳақида асосий маълумотни етказиш, психофизиология фани табиий фанлар ва психология ўртасидаги алоқадорликка доир назарий ва амалий билимларни шакллантириш | * | | | |
| | | **Ихтисослик фанлари** | | | | |
| PsXAM3006 | Психологик хизмат асослари | Психологик хизмат предмети, психологик хизматнинг асосий йўналишлари, мактабдаги психологик хизмат маҳсулдорлигининг шароитлари, бола тараққиёти учун қулай психологик иқлим яратиш, психологнинг диагностик, коррекцион ишига доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир. | | | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QiyPedM3006 | Қиёсий педагогика | Жаҳон ва республикамизда педагогика фанининг ривожланишини қиёсий таҳлил қилишга ўргатиш; жаҳон педагогикасининг ривожланиш тенденцияларини тўла англай олиш қобилиятини шакллантириш | | | * | |
| XOBPsM3008 | Хулқи оғишган болалар психологияси | Ижтимоий меъёр ва ижтимоий оғишиш; оғишган хулқ детерминацияси; оғишган хулқ турларини таснифлаш; тажовузкор ахлоқ; деликвент ахлоқ; тобе ахлоқ; суицидал ахлоқ, хулқи оғишган болалар психологияси фанининг предметини; хулқи оғишган болалар психологиясига оид назарияларни; шахс оғишган ахлоқининг психодиагностикасини; шахс оғишган ахлоқининг превенциясини; шахс оғишган ахлоқининг интервенциясини; шахс оғишган хулқининг психологик коррекциясини; хулқи оғишган болаларнинг ота-оналари билан амалиётчи психологнинг фаолияти ҳамда шахс оғишган ахлоқини диагностика қилиш учун методикаларни танлаш; ҳиссий ҳолатларни коррекциялаш усулларини қўллаш; ота-оналар билан консультатив ишларни олиб бориш; шахс оғишган хулқининг психологик коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш; шахс оғишган хулқини профилактикалаш | | | | * |
| PPsFO'M1006 | Педагогик ва психологик | Бўлажак ўқитувчиларини педагогик ва психологик фанларни ўқитиш методикасининг | | | * | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | фанларни ўқитиш методикаси | назарий асосларига оид билимлар билан қуроллантириш; методик жиҳатдан педагогик жараённи самарали ташкил этиш учун зарур кўникмаларни эгаллаш; педагогик ва психологик фанларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда замонавий технологияларни кенг доирада қўллай олишга йўналтириш; педагогик фаолиятни амалга оширишда ижодий ва методик саводхонликка тайёргарликни шакллантириш | | | | |
| PedkonfM3004 | Педагогик конфликтология | Замонавий педагогик конфликтология асосларига доир билимлар билан қуроллантириш. Шу билан бирга ёшларга ҳаётдаги конфликтлар бўйича кенг назарий ва амалий билимлар бериш орқали ёшларни жамиятда мустақил ва фаол фуқаро сифатидаги иштироки учун замин яратиш, бошқа инсонлар билан табиий бўлган турли ижтимоий, иқтисодий, маънавий-руҳий, психологик мулоқотларда улар онги, тафаккури ва ахлоқида камтарлик, меҳрибонлик, ҳалоллик, тўғрисўзлик, самимийлик, виждонийлик, ўз сўзида туриш каби ҳислатларни тарбиялаш | | | | * |
| PedTexM1008 | Педагогик технологиялар | Бўлажак ўқитувчиларини замонавий педагогик технологияларнинг назарий асосларига оид билимлар билан қуроллантириш; янги технология даражасида педагогик жараённи самарали ташкил этиш учун зарур | | | | * |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | кўникмаларни эгаллаш; замонавий инноватсион технологияларни кенг доирада қўллай олишга йўналтириш; педагогик фаолиятни амалга оширишда ижодий ва методик саводхонликка тайёргарликни шакллантириш | | | | |